



МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎзДСМИ Маданият ва санъат соҳаси менежменти

мутахассислиги 2-курс магистранти У.У.Усанова

Фалсафа фанлари доктори, профессор В.А. Алимасов

Аннотация

Мақолада маданият тушунчаси, унинг пайдо бўлиши юзасидан келтирилган бир қатор назариялар билан танишиш ва маданий ривожланишининг жамият ривожидаги аҳамиятини англаган ҳолда қадам ташлаш масалалари хусусида фикр юритилади.

Annotation

The article deals with the concept of culture, getting acquainted with a number of theories about its emergence, and taking steps with the understanding of the importance of cultural development in the development of society.

Калит сўзлар

Материалист, индивид, социал, социогенетик, биогенетик, ирсият, механик, элита, структура, тенденция, монархия, аристократия, демократия, гомоген, гетероген, фетишизм, статика, динамика, новатор, прогрессив, консерват, объектив, этика, гуманист.

Key words

Materialist, individual, social, sociogenetic, biogenetic, heredity, mechanical, elite, structure, trend, monarchy, aristocracy, democracy, homogeneous, heterogeneous, fetishism, static, dynamic, innovator, progressive, conservative, objective, ethical, humanist.

Маданият ва санъат соҳаси фаолиятининг асл мақсади, инсонни санъат сехри орқали гўзалликни англашга, чин инсоний туйғуларни қалбан ҳис этишга ўргатиш ва шу билан бирга тафаккур доирасини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитишдан иборатдир. Маънавий оламнинг бойиши ва миллий ғурурнинг юксак даражада ривожланишида ўз тарихи, бобокалонлари, кечаги кунини билиш ниҳоятда муҳимдир. Ўз тарихини билмайдиган, ўтмишидан бехабар миллатнинг келажаги йўқдир.

Маданиятнинг инсоният жамияти шаклланиши ва тараққиётидаги ролини тўғри белгилаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Афсуски, совет маданиятшунослигида бу муҳим масала бир ёқлама ва қўп ҳолларда хато талқин



этиб келинди. Тарихга материалистик нұқтаи назардан қараңыз ижтимоий борлықни ижтимоий онгга нисбатан бирламчи деб ҳисоблаш, ижтимоий борлық асосиға моддий неъматлар ишлаб чиқаришни қўйиш, меҳнатни маданият асоси деб даъво қилиш ва бошқалар маданиятнинг ижтимоий тараққиёт ва шахс ҳаётидаги ўрни ва ролини тўғри белгилашга монелик кўрсатиб келди. Мустақиллик йилларида шаклланган янгича сиёсий тафаккур ва фалсафий дунёқараңыз маданиятнинг жамият ва шахс ҳаётидаги йўлини янгича тушунишга имкон берди.

“Маданият” тушунчасининг “инсон ва жамият” тушунчалари билан узвий боғлиқлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Буюк франсуз мутафаккири Эмил Дюргейм фикрича, маданият айрим шахс онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ундан илгари вужудга келган ва инсонга мажбур қилувчи таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир индивид маданий оламда туғилади, уни ўзлаштиради, инсоний сифатларга эга бўлади (сотсиаллашади) ва унинг ривожига муайян ҳисса қўшади.

Маданият, аввало, инсониятнинг кўп асрлик билимлари ва тажрибалари ийғиндиси сифатида намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида кўп асрлар давомида жамият томонидан яратилган билим, тажриба, кўникма, хулқ-атвор меъёрларини, яъни маданиятни ўзлаштиради. У барча тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ бутун ҳаёти давомида социогенетик дастурни амалга оширишга ҳаракат қиласи. Социогенетик дастур биогенетик дастурдан фарқли равишда авлоддан авлодга ирсият йўли билан ўтмайдиган, ижтимоий ҳаёт жараёнида тарбия ва таълим воситасида ўзлаштириладиган хулқ-атвор меъёрлари, маданият намуналаридир. Ахлоқий тарбиянинг бутун мазмуни ёш авлоднинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва фаолиятини тартибга солишдан ва унинг маданий кўникмаларини шакллантиришдан иборатdir.

Маданият инсонни ҳайвондан, жамиятни эса табиатдан фарқлайдиган сифатий белги, фақат инсонга ва жамияттагина хос бўлган, унинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти ва меҳнат маҳсулотларида намоён бўладиган билимлар, тажрибалар, кўникмалар, мажмуасидир.



Шахс маданияти, жамият маданияти, миллий маданият — умумбашарий маданиятнинг турли даражада намоён бўлишидир. Инсон хатти-ҳаракати ва хулқ-авторини тартибга солиш кишилик жамиятининг шаклланишида муҳим омил бўлган. Буюк немис файласуфлари Иммануэл Кант, Зигмунд Фрейд ўз тадқиқотиарида жинсий ҳаётни тартибга солиш, оиланинг пайдо бўлиши (яъни маданиятнинг пайдо бўлиши) инсоннинг ҳайвонот оламидан ажралиб чиқиши ва кишилик жамиятининг вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатган эдилар. Инсонга хос фазилат ва сифатларнинг шаклланиши ахлоқий маданиятнинг ривожланиши билан, жамият инқирози эса маданиятнинг умумий таназзули билан узвий боғлиқ равища рўй беради. Маданият равнақи ва ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб бориши бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жараёнлардир. Шу ўринда маданий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Илгари таъкидлаб келинганидек, маданият намуналари кенг халқ оммаси томонидан механик тарзда эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган энг илғор кишилар, зиёлилар, илм-фан ахллари томонидан яратилади, жамиятнинг асосий кўпчилик қисми эса маданиятнинг илғор намуналарини ўзлаштириш ва социаллаштириш жараёнига тортиладилар. Маданиятдаги умумий инқироз маданиятнинг илғор намуналарини яратувчи элита — сара тоифа билан кенг омманинг маънавий салоҳияти ўртасидаги тафовут ва зиддият билан боғлиқ равища рўй беради. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, илмий ва бадиий ижодда шахс эркинлигининг тобора ортиб бориши маданий ривожланишнинг мезони ҳисобланади.

Шахс эркинлиги структурасида, шубҳасиз, сиёсий воқелик жуда муҳим ўрин эгаллайди. Инсоният ўзининг маданий тараққиёт жараёнида сиёсий бошқаришни такомиллаштириш, давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимини яратища муайян тажриба ва билимлар орттириди. Давлат ва унинг тарихий шакллари инсониятнинг маданий-маънавий тараққиёти, шахс эркинлиги даражасининг ортиб бориш тенденциясининг қонуний натижаси сифатида вужудга келди. Жамиятда сиёсий бошқаришнинг қандай шакли (монархия, аристократия,



демократия)нинг амал қилиши жамиятдаги илғор маданиятига бевосита боғлиқдир. Жаҳондаги кўплаб ривожланиш тарихи гомоген маданиятнинг гетероген маданиятга ўтиб боришидан далолат беради.

Маданиятнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттириш ҳам, унинг аҳамиятини камситиш ҳам бирдай хатодир. XVIII асрдаёқ машхур француз мутафаккири Жан Жак Руссо маданиятнинг аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттиришга қарши табиий инсоннинг ахлоқий устунлиги ғояси ва табиатга қайтиш шиорини илгари сурган эди.

XX аср бошларида таниқли немис файласуфи Фридрих Ницше маданият структурасида фан ва техника етакчи мавқени эгаллаб, ҳаётнинг ривожига имкон бермаётганлигини кескин танқид қилган эди. Зигмунд Фрейднинг фикрича, эса маданият ўзининг ахлоқий меъёрлари, талаб ва қадриятлари билан даставвал кишилик жамиятининг пайдо бўлишида муайян ижобий рол ўйнаган бўлса, кейинчалик ўзининг таъқиқловчи талаблари, қатъий меъёрлари билан кишилик жамияти ривожига халақит бера бошлаган. Ўтган асрнинг 60—70 йилларида қатор ғарб мамлакатларида маданиятга қарши кураш харакати кенг қулоч ёзди. Бу харакат ўз атрофига Руссо, Ницше, Фрейд ғояларининг тарафдорларини, талаба-ёшларни бирлаштириди. Улар «оммавий маданият» қадриятларининг кенг ёйилишига, фан ва техника фетишизмига қарши кураш бошладилар. Маданиятни танқид қилиш унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини бутунлай инкор этиш эмас, балки унинг аҳамиятини яна ҳам чукурроқ идрок этиш, унинг инсон яратувчанлик функциясини кучайтириш демакдир. Маданият учун айни бир вақтда ҳам статика (барқарорлик), ҳам динамика (rivожланиш, ўсиш) жараёнлари хосдир.

Муайян меъёрлар, андозалар, билим ва қадриятлар мажмуаси сифатида маданият ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга яқиндан ёрдам беради. Маданият жараён сифатида бир жойда узоқ вақт тўхтаб туролмайди: жамиятнинг илғор зиёлилари, ижодкор қатлами унинг юксакроқ намуналарини яратадилар. Натижада, маданиятга хос анъанавийлик новаторлик билан уйғунлашади. Янгилик билан эскилик, прогрессивлик билан консервативлик, миллийлик билан

қатламларнинг

халқларнинг маданий



умуминсонийлик ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар маданиятни фаол ривожлантиради ва натижада маданият устувор ва таъсирчан куч сифатида намоён бўлади. Жамият тараққиёти йўлида пайдо бўлган муаммоларнинг тез ва оқилона ҳал этилиши кенг халқ оммаси маданий даражасининг юксалишига, илфор шахслар томонидан яратилган маданият намуналарининг қанчалар тез ўзлаштирилишига боғлиқдир. Кенг халқ оммасининг маънавиятини юксалтириш миллий маданиятнинг ривожланишида, ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Демократик жамият турли миллат ва халқлар, социал гуруҳлар ва синклар ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро таъсир муносабатлари асосида ривожланади. Ҳар бир халқ, миллат ва социал гуруҳнинг турмуши, ҳаёт шароитлари, фикрлаш тарзига мос равища этномаданиятлар вужудга келади. Турли халқлар ўртасида турлича маданиятнинг вужудга келишида табиий-географик шароит, иқлим, меҳнатни ташкил этиш усуллари муҳим рол ўйнайди. Миллий маданиятдаги индивидуаллик, ўзига хосликка ҳаддан ташқари кўп урғу бериш охир-оқибатда миллий маҳдудликка, жаҳон цивилизациясидан узилиб қолишга ва ниҳоят, турли миллий маданиятлар ўртасида ихтилофлар келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Социал мобиллик (ижтимоий синф ва гуруҳларнинг ҳаракатчанлиги ёки мослашувчан) бозор муносабатлари шароитида объектив равища амал қиласиган муҳим қонуният бўлиб, бошқача қилиб айтганда, касб этикаси ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришда қанчалар муҳим аҳамиятга эга бўлгани сингари турли синклар, социал гуруҳлар маданиятининг ўзига хослигини билиш, идрок этиш ҳам жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг интеграллашувида муҳим аҳамият касб этади. Эмил Дюргейм таъкидлаганидек, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий бирдамликнинг янада мустаҳкамланиши учун пухта замин яратади, янгидан-янги касб ва мутахассисларнинг пайдо бўлиши ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги алоқадорликни янада кучайтиради.

Янги Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 136 дан зиёд халқ ва элатларнинг миллий маданиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, миллий марказлар ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Президентимиз



Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади».

Ҳар бир миллий маданият инсоният маданиятидан ажralган ҳолда ривожлана олмайди. Миллий маданиятлар бир-бирига таъсир кўrsатади, бир-бирини бойитади ва ижтимоий-сиёсий муносабатларини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Ҳар бир ҳалқ ўзининг ноёб, бетакор ва ўзига хос миллий маданияти билан инсоният маданияти таркибида муносиб ўрин тутади. Мамлакатимизда демократик ўзгаришларнинг янада чуқурлашиши ва фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кўшилиб бориши жамиятимизнинг маданий тараққиёти йўлида пайдо бўлган муаммоларни оқилона ҳал этишни, Ер юзидаги илғор ҳалқлар маданияти ютуқларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг қатор Европа мамлакатлари билан иқтисод, сиёsat, маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги, иқтидорли ёшларимизнинг хориждаги олий ўқув юртларида таҳсил кўриши, илғор ҳалқлар билан маданий мулокотда бўлиши, шубҳасиз, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таянчи бўлиб хизмат қиласди.

Хуллас, ҳозирги замон маданиятшунослигида маданият ва жамиятнинг ўзаро таъсири ва муносабатини илмий асосда тадқиқ этиш ғоятда долзарб масаладир. Маданият тушунчаси тараққиёт, янгиликка интилиш, маънавий янгиланиш, яратиш, яхшилик ва эзгуликни авайлаб-асраш, кўллаб-куватлаш билан узвий боғлиқ экан, жамият ҳаётини маданиятсиз, маданият ривожини эса соғлом ижтимоий муносабатлар тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маданият ўзининг туб моҳиятига кўра миллийлик ва умуминсонийликнинг узвий бирлиги сифатида намоён бўлар экан, ҳар бир янги авлодга узоқ аждодларимизнинг билими, тажрибаси, қадриятлари, қўникма ва малакаларидан баҳраманд бўлиш имконини бериш, ҳалқларни бир-бири билан яқинлаштириш, ижтимоий тотувлик ва барқарорликни таъминлаш буюк гуманистик вазифадир. Жамият ва инсонга маданий ҳодиса сифатида қараш маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини теранроқ



англашга ёрдам беради. Зоро, Ғарбий Европа олимларининг тадқиқотларида маданият ва жамият тушунчаларининг бир хил маънода қўлланилиши ҳам бежиз эмасdir. Маданият ва цивилизациянинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш маданият ва жамиятнинг ўзаро таъсирини теранроқ тушунишимизга яқиндан ёрдам беради.

Маданиятнинг жамият тараққиёти билан ўзаро боғлиқлигини хисобга олган ҳолда сиёsat юритиш кўзланган мақсадга эришишга кенг йўл очиши шубҳасизdir. Учинчи Ренессанс остонасида турган Янги Ўзбекистоннинг мавқеи янада юксакка бўй чўзишида эса ёш-авлоднинг масъулиятли вазифалари мавжудdir. Бу ҳам бўлса, таълим олиш, ўз устида тинимсиз ишлаш ва энг асосийси олдиндаги машаққатли меҳнатдан қочмаган ҳолда марра томон интилишдан иборатdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Қорабоев У. Маданият масалалари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009.
- 2.Гайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият.-Т.: ЧАШМА ПРИНТ, 2008.
- 3.Абдуллаев М., Ибрагимова Ф. Бадиий-эстетик маданият: назарий методологик жиҳатлар. –Т.: Фан, 2007.
- 4.Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият. –Т.: Адолат, 2003.
- 5.Абдуллаев М., Умаров Е., Очилдиев А., Маданиятшунослик асослари. -Т.: Турон-иқбол, 2006 й.
- 6.Абдурахмонов М., Раҳмонов Н. Маданиятшунослик. Университет,-Т.: 2011.

ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

1. www.ziyo.net
2. <https://dsmi.uz>
3. www.ma'naviyat.uz
4. www.bilim.uz.